

<https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1097>

PRAGMATIC PROPERTIES OF SENTENCES IN UZBEK LANGUAGE WITH "HAND" SEMANTICS

Шокиров Шерали

АДУ, Факултетлараро чет тиллар

кафедраси мудири Ф.ф.ф.д.

Sheralis790@gmail.com

+998945594949

Бахрамов Хабибилло Содикович,

Мамажонов Шавкатилло Хабибуллаевич

АДУ, Факультетлараро чет тиллар

кафедраси ўқитувчилари

Аннотация. Мақолада семиотиканинг муҳим тармоқларидан бўлмиш прагматика ва бу тушунчанинг ўзбек тилидаги гапларда унинг намоён бўлиши ҳақида мулоҳаза юрилади. Ўзбек тили материали асосида “hand-қўл” семантикасини мазмун-моҳиятини аниқлаш ва матнда қўлланиш хусусиятларини семантик-прагматик нуқтаи назардан тадқиқ этишдан иборат.

Калит сўзлар: синтагматика, парадигматика, лексик-семантик майдон, ретсептор, полисемантик, интенсивлик, сема.

Аннотация. В статье речь идет об особенностях прагматики как отрасли семиотики и её проявление в предложениях узбекского языке. Он основан на материале узбекского языка для определения содержания семантики «рукопашный бой» и изучения особенностей его использования в тексте с семантико-прагматической точки зрения.



Ключевые слова: синтагматика, парадигматика, лексико-семантическое поле ретсептор, полисемантический, интенсивность, сема.

Annotation. The article discusses the properties of pragmatics as a branch of semiotics and its expression in the utterances of the Uzbek language. It is based on the material of the Uzbek language to determine the content of the semantics of "hand-to-hand" and to study the features of its use in the text from a semantic-pragmatic point of view.

Keywords: syntagmatics, paradigmatics, lexical-semantic field, retseptor, polysemantic, intensity, seme.

Прагматика – семиотиканинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, тилшуносликнинг нутқ жараёнида пайдо бўладиган лисоний ҳосилаларнинг қўлланишини ўрганувчи соҳасидир. Бошқача айтганда, прагматика ифодаланаётган фикр билан сўзловчи ва инсон фаолиятини англатувчи контекст ўртасидаги муносабатларни ўрганувчи соҳадир.

Семиотиканинг асосчиларидан бири Ч. Моррис семиотиканинг уч тармоғини ажратиб кўрсатади: 1) сўзнинг ўзи англатаётган нарса (семантика)га, 2) сўзнинг бошқа сўзларга бўлган муносабати (синтактика) ва 3) сўзнинг нутқ иштирокчиларига(прагматика) исбатан бўлган муносабати.

Агар семантика сўзловчи нимани гапираётганини англатса, синтактика у қай тарзда гапираётганини англатади, прагматика эса унинг (сўзловчининг) нега ундай гапираётганини ифодалайди.

Нутқ фаолияти қуйидаги уч компонентдан иборат бўлади: сўзловчи, мурожаат қилинаётган адресат (суҳбатдош), нутқда ифодаланётган ахборот (шу жумладан, пресупозиция (нутқдан фаҳмланадиган маълумот), берилаётган ахборот мақсади, нутқ вазияти, нутқ иштирокчиларининг шахсий муносабатлари. Бу компонентлар нутқда акс этаётган қатор категориялар орқали ифодаланади, яъни улардан бири сўзловчига қаратилган, бўлса, иккинчиси



тингловчига (берилаётган информацияга), учинчиси эса нутқ иштирокчиларининг ўзаро шахсий муносабатларига (муомала маданияти, стилистик воситалар)га қаратилади.

Нутқ типологияси – маълум мақсадга йўналтирилган нутқ фаолияти сўзловчининг мақсдлари асосида белгиланади. Нутқ информатив ва ноинформатив характерда бўлиши мумкин. Ноинформатив характердаги нутқ (сўзлашув) тингловчига аниқ бир мақсадли информация бермайди, балки суҳбатдош билан бўладиган салом-алик, ҳол-аҳвол сўрашуви ёки об-ҳаво ҳақидаги маълумотлардан ташкил топади ва улар суҳбатдош билан контакт ўрнатиб олиш учун хизмат қилади. (Масалан, - *Қўлингиз қалай?*, - *Ёмон эмас.*, - *Кайфиятлар қалай?* - *Дуруст.* - *Ишлар қалай?* – *Аста-секин* каби).

Информатив характердаги нутқ тингловчига бирон-бир маълумот (хабар) етказиш ёки ундан ана шундай хабарни олишга қаратилган бўлади. Улар оддий хабарни англатиши (*Ҳозир қўлим банд*) буйруқ, ваъда ёки илтимос (*Деразага қўлингиз етса очиб қўйинг*)ни ёки саволни ифодалаши мумкин (*Уларга жудаям қўл келадими?*)

Гапнинг барча турлари асосий информация ташувчи етакчи феъл семантикаси ва феъл шакли асосида шаклланади. Прагматика эса турли нутқ элементларини –нутқда қўлланиладиган ёрдамчи воситалар – *менимча*, *эҳтимол*, *ҳайриятки*, *албатта*, *ахир*, *ҳам* каби воситаларнинг моҳиятини чуқурроқ таҳлил қилиш билан шуғулланади.

Ўзининг семантик маъноси билан бир қаторда айтилган гап (фикр) ўзининг прагматик маъносига эга, яъни прагматик вазифани ҳам бажаради. Масалан, навбатда турган кишининг ёнида турган кишига айтган “*Мен буни уддалайман*” деган гапи ортида вазиятга кўра “*Унинг қўлидан хар қандай иш келади*” деган маъно ҳам англашилади. Бу унинг прагматик маъносидир.



Гапнинг семантик маъноси унинг функционал-прагматик маъносига тўла мос тушмайдиган ҳолатлар ҳам учраб туради. Масалан, *Бош қашигани ҳам қўлим тегмади* гапи ! *Ишим қўпайиб кетди* маъносини тақозо қилади.

Бундай типдаги гаплар лисоний, мантиқий асосда, нутқ вазияти тақозоси билан боғлиқ ҳолда ҳосил бўлади. Масалан: *Малик ишни қўл учида қилдимми?* – *Кўнгилдагидек иш бажарилмаган.* Бу гапда лингвистик пресуппозиция ўрин олаяпти, яъни икки иборанинг синонимик қатори ҳосил бўлаяпти.

- *Қўлинг бўшми?* - *Сумкаларни кўтариб олдим.* Бу гапда мантиқий пресуппозиция ҳодисаси ўрин олаяпти, яъни кишининг ёши туғилган йили асосида аниқланаяпти.

-*Овқатга ҳеч ким қўл урмадимми?* Бу гапда *Есангиз янги овқат бор.* деган маънони англатапти, яъни ситуатив пресуппозиция ҳодисаси кузатилаяпти.

Бирон нарсанинг етишмаётгани ёки камлиги ҳақидаги эслатма ўша етишмаётган нарсани тўлдириб қўйиш зарурати ҳақидаги истакни ифодалаш мумкин. Масалан: *Бир чимдим туз ташланг* гапида *Овқатнинг туз-намагини тўзғрилаб қўйинг* деган маъно ифодаланади.

Ушбу вазиятда семантик жиҳатдан гўё ортиқчадек туюлган фикрларни ёрдамчи воситалар орқали ифодаланган прагматик маъноли гаплар деб аташ мумкин.

Масалан, *“Иее-қўлингизни шопирманг”* деган гапда прагматик жиҳатдан асабийлашмоқлигини англатса, семантик жиҳатдан сизга хурматсизлик маъносини ифодаланаяпти. Бундай гаплар нутқнинг турли жанрларида кенг миқёсда қўлланилади. Улар турли-туман стилистик ифода воситалари орқали англашилади.

Тилда бундай гапларнинг кўрсаткичлари (индикаторлари) шаклланган. Сўроқ юкламаси “-ми”нинг қўлланиши ана шу кўрсаткич вазифасини бажарса, “ие” сўзи сўзловчининг ҳайронлигини англатади. Бундай гаплар кўчма маънода қўлланилиб, ўзига хос метафора вазифасини ҳам бажариши мумкин. Бундай



гапларни конвенционал характердаги гаплар деб атайдилар. – *Кечирасиз, мана бунни ушлашиб қўясизми?* сўроқ гапида “*Менга кўтаришиб юборинг, илтимос*” деган маънодаги мулойим илтимос ифодаланган. Бунда мулойимлик оттенкасини “*ушлашиб қўясизми*” шаклидаги модаллик маъносини англатувчи модал феъл бажаради.

Лексемаларнинг прагматик характери соматизмларда ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Соматизмлар тана аъзолари номларини англатувчи лексик бирликлар бўлиб улар тизимида “қўл” семасига эга бўлган лексемалар салмоқли ўрин тутди. Сизги органлари ичида қўл энг муҳим органлардан бири бўлиб у бирзни ўраб турган борлиқни ушлаш орқали, маконда ўз йўлини топиб юриш, ташқи олам ҳақида аниқ тасаввур – “концепт” ҳосил бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Семантик майдон нуқтаи назаридан қараганда “қўл” лексемасининг ядровий (марказий) маъноси инсон ва ҳайвонлардаги ташқи оламни туйиш, ушлаш воситаси сифатида тушунилади. А.Мадвалиевнинг 2020 йилда чоп этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” нинг V жилдида “қўл” сўзининг куйидаги асосий маънолари санаб кўрсатилади [3.402-403 б]:

1. Одамнинг бармоқ учларидан елкасигача бўлган қисми, аъзоси. *Йўлчи... иккинчи қўли билан Қора Аҳмаднинг бир қўлини орқага қайирди.* (Ойбек);
2. Шу аъзонинг билакдан бармоқлар учигача бўлган қисми. *панжа. Қози домла қўлларини ювиб туриб, дастурхонга кўз югуртирди.*(М.Исмоилов, Фарғона т.о.);
3. Иш-меҳнат бажарувчи аъзо (восита) сифатида. *Қўлим банд;*
4. Ҳайвонларнинг олдинги оёқлари. *Қўйнинг қўли ва сони;*
5. Бармоқ. *Беш қўл қаробар эмас;*
6. Ҳар кимнинг ўзига хос ёзув усули, услуби, ёзуви, хати ва унинг ифодаси. *Қутидор қизининг мақсадига тушуниб, икки турли қўлни дарров пайқаб олди.* А.Қодирий, Ўтган кунлар;



7. Имзо. *Шартномага қўл қўймоқ;*

8. Ҳар кимнинг ўзига хос иш усули, услуби, иши, хатти-ҳаракати; шуни акс эттирувчи ифода. *Ҳовлини ўраб турган деворлар ҳам янгидан урилган, ичкарасидан ҳаммаси ганч билан сувалган. Ҳамма ёқда акасининг қўли қўринди.*
Ҳ.Аҳмар, Ким ҳақ?

9. Имкон, имконият. *Қўли баланд, Қўли калта;*


10. Учинчи шахс эгалик ва жўналиш келишиги аффикслар билан қўмакчи вазифасида қўлланилади. *М; Қўлига, қўлида;*

Берилган таърифларга қўшимча тарзда яна бир луғат маълумотларини қўшиш мумкин. З.М. Маъруфовнинг 1981 йилда чоп этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да от сўз туркумига кирувчи қўлнинг қўшимча қуйидаги маъноларини кузатамиз [4.634-635 б]:

- истар-истамас, хафсаласизлик билан;
- шунчаки юзаки;
- бироага қарши оёқланмоқ, йўқ қилишга уринмоқ;
- бирор нарсадан хафсаласи пир бўлиб, ихлоси қайтиб уни тарк этмоқ, ундан юз ўгирмоқ, воз кечмоқ, қайтмоқ;

“Қўл” семасига эга бўлган ва от (субстантив), сифат, феъл, фразеологик бирикма (фразема) орқали ифодаланган қўшимча (ядровий маънога нисбатан анча сусайган, ундан узоқлашган, *ушламоқ, тутмоқ, ушлаб турмоқ,* каби периферик маъноси орқали бу лексеманинг прагматик хусусиятлари намоён бўлади. Бу ҳолатни қуйидаги чизма орқали тасвирлаш мумкин.





“Қўл” семасига эга бўлган лексеманинг прагматик характери қўлнинг ҳолатига қараб туриб инсон табиатини, унинг ҳаёт тарзи ва умумий психик ҳолатини тушунишда ҳам намоён бўлади. Бунда инсон бошидан кечираётган илиқлик, ҳурмат, ғазаб, ёвузлик, бахт, саодат, умид, ишонч, безовталиқ, қўрқув, хафалиқ, қизиқувичанлик, самимийлик, олижаноблик каби кўплаб туйғу элементларини ифодалаши мумкин

“Қўл” лексемалар нутқда турли стилистик восита сифатида ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, бу лексемадан метафорик ва метонимик моделлар яшаш орқали нутқда қўллаш мумкин. Масалан, “Қўл – меҳнат (яратувчанли, ҳурмат, рисқ)” метафорик модели инсон тасаввурини чуқурлик ва кенглик ўлчамларига эга бўлган макон (объект) сифатида юзага чиқаради. М.: Бу қандай гап ахир, ўзим қўл учидан тирикчилик қиламан-у, сенинг учун шу кунимдан ҳам айрилайми? Ҳ.Шамс, Оқпадар.

Бундан ташқари “қўл – қувват манбаи” метафорик модели ҳам кенг қўлланилади. Қадоқ қўллар деганда инсоннинг ижобий ҳисларини ифодаласа, эгри қўллар бу - ёвузлик сингари салбий туйғуларни ифодалайди. М.: У қувватга тўла қадоқ қўллари билан кўтариб турарди.

Метафорик моделлар билан бир қаторда “қўл – инсон (одам)” типидagi метонимик моделлар ҳам қўлланилади. М.: Қўли калта (камбағал,

топиш-тутиши жойида эмас); Нодирни компьютер сотиб олишига қўли калталиқ қишларди.

Юқорида зикр қилинган мулоҳазаларга таянган ҳолда таъкидлаш мумкинки, қўл ўз шакли, ҳажми ҳамда ўз ўрнига эга бўлган жисмоний объект бўлиб, у кишининг жисмоний ҳолати ва ҳис-туйғуларини ифодаловчи муҳим соматизмлардан бири сифатида лисоний тадқиқот учун объект сифатида хизмат қилади. “Қўл” семасига эга бўлган лексемалар турли сўз туркумларига мансуб бўлган лексемалардан бўлиб, улар инсон танасидаги фақат меҳнат қилувчи органигина эмас, балки, унга ёндош бўлган коннотатив маъноларни ҳам ифодалаб ўзининг прагматик хусусиятларини намоён қилади. У нутқда қўлланганда унинг прагматик характери (коннотатив маъноси) доим унга ҳамроҳ сифатида намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.Искандарова. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони). - филол. фанлари док. автореферат-Т.1999.
2. А.Собиров. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш.- Т. Маънавият. 2004.
3. М.Мадвалиев. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. V- жилд, Т., 2020. - 402-404 б.
4. З.М.Маъруфов. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II- жилд, М., 1981. – 634-635 б.
5. Апресян Ю.Д. Коннотация как часть прагматики слова. М.,1988.
6. Вежбицкая,А. Из книги «Семантические примитивы» [Текст] / А. Вежбицкая // Семиотика. Антология. — М. : Академический проект; Екатеринбург : Деловая книга, 2001. - С. 242-270.
7. Маслова, 1989)]. Маслова, В. А. Введение в когнитивную лингвистику. 3-е изд., испр. М., 2007. 296 с.



8. Моррис, Ч. У. Основания теории знаков [Текст] / Ч. У. Моррис // Семиотика: Антология. - Изд. 2-е, испр. и доп. — М. : Академический проект; Екатеринбург: Деловая книга, 2001. - С. 45-97.

